ТИРНОҚЛАРНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛАНИШИ

Э.Х.Эшбоев[1], Ж.И.Икромов[2]
[1,2]РИДВваКИАТМ, University of Business and Science Наманган шаҳри

DOI: 10.67620/dermajournal.1730030

Тирноқларнинг замбуруғли касалланиши онихомикоз, айниқса ўрта ва катта ёшли инсонлар орасида кенг тарқалган. Адабиётларда берилган маълумотларга қараганда, минтақаларга қараб 5-10%дан 20-25%гача аҳоли онихомикоз билан зарарланган. Аммо бу кўрсаткичлар фақат юқумли замбуруғлар- дерматофитлар қайд қилинган шаҳсларни ҳисобга олади.

Ўзбекистон шароитида ҳам онихомикоз, яъни тирноқларни зарарлайдиган замбуруғлар энг кўп тарқалган гуруҳ ҳисобланади. Айниқса ачитқисимон замбуруғлар икки хисса кўпроқ ва тез-тез қайд қилинмоқда. Улар якка холда ёки аралаш кўринишда дерматофитлар билан, ҳамда моғор замбуруғлари билан ҳамкорликда келиши мумкин.

Одатда бу тоифадаги замбуруғлар облигат паразитлар ҳисобланади. Баъзан тери, тирноқ ва сочларни зарарлайди. Замбуруғлар ўз хаёти фаолияти давомида кератиназа ферментини ишлаб чиқаради. Бу фермент ўз навбатида кератинни кератиноцитлар (тери, тирноқ ва соч хужайраларини) таркибига кирувчи оқсилни парчалайди. Инфекция манбалари сифатида зарарланган одам ёки хайвонлар касаллик ўчоғи бўлиб тирноқ ва сочлар (жунлар) ҳисобланади. Лаборатория шароитида тери қириндиси (микроскопик) ва культурал усулларда (бактериологик) замбуруғлар аниқланади. Ушбу замбуруғлар камдан кам холларда моно кўринишда, кўпинча эса ачитқи замбуруғлари билан ассоциацияда келади.

Бизнинг Наманган вилояти шароитида олиб борган микологик тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, кузатувимиздаги катта ёшдаги беморларнинг 32.0%ида дерматомицетлар, 48.0% ида ачитқи замбуруғи ва ниҳоят 20.0%ида моғор замбуруғи қайд қилинди. Тадқиқотлар давом этмоқда.